
ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎН ОЙИ ДАВОМИДА ФАРФОНА ВИЛОЯТИДА СОЛИҚ ҲАМДА БОЖХОНА ТУШУМЛАРИ ОРТИШИ БҮЙИЧА КАТТА ЎСИШ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўн ойи давомида Ўзбекистонда солиқ тушумлари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,5%га ошган.

Фарфона вилоятида солиқ тушумларининг сезиларли ўсиши кузатилди - 35,1%. Бу Республика ҳудудлари орасида энг яхши иккинчи кўрсаткич бўлди. Бунга электрон ҳисоб-фактура, онлайн-касса ва "cashback" тартибининг жорий қилиниши ҳисобидан эришилганлиги таъкидланган.

Бундан ташқари, ўн ой давомида Ўзбекистонда божхона тўловлари бўйича тушумлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 39,8%га ошган. Божхона тушумларининг ўсиши бўйича ҳам Фарфона вилоятида энг юқори натижалардан бири қайд этилди - 40,2%.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-11-14 15:05:30